

Ашурова Наргиза ю.ф.н.
Тошкент давлат юридик университети
катта илмий-ходим изланувчиси

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА КРЕДИТНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мазкур мақолада тадбиркорлик фаолиятида кредит шартномаларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари, кредит шартномасининг ўзига хос хусусиятлари, кредит шартномасининг, шаклига оид масалалари таҳлил этилган, шунингдек, кредит муносабатларини тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича мулоҳазалар ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, кредит шартномалари, кредит муносабатлари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВЫДАЧИ КРЕДИТОВ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: В данной статье проанализированы правовые основы использования кредитных договоров в предпринимательской деятельности, особенности кредитного договора, формы кредитного договора, представлены предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства, регулирующего кредитные отношения.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, кредитные договора, кредитные отношения.

IMPROVING THE LEGAL FRAMEWORK FOR ISSUING LOANS BUSINESS

Abstract: This article analyzes the legal basis for the use of credit agreements in business activities, the specifics of the loan agreement, the form of the loan agreement, presents proposals and recommendations for improving the legislation governing credit relations.

Keywords: entrepreneurial activity, credit agreements, credit relations.

Кредит замонавий иқтисодиётнинг таянчи, иқтисодий ривожланишнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Ундан йирик корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда майда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо тузилмалари, шунингдек, давлат, ҳукумат ҳамда алоҳида фуқаролар ҳам фойдаланадилар. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кредит энг муҳим ва ҳал қилувчи ўринга эга восита ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлар ўз бизнесларни шакллантириш ва ривожлантиришда кредит шаклидаги молиявий маблағлардан фойдаланади. Шу сабабли ҳам ҳар бир мамлакатда кредитлар кўринишидаги инвестицияларни жалб этиш, банклар ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги кредит муносабатларининг изчиллигини ва барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар - молия, кредит, солиқ,

валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади. Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Тумандаги ҳар бир хўжалик субъектига ўртача 3 нафар битирувчи тўғри келади.

Туманда бюджетдан ойлик оладиган иқтисодий комплекс ташкилотларидаги жами 400 нафар ходим ушбу корхоналарнинг самарали ишлашига амалий ёрдам берса, масалан, кимгадир кредит, яна кимга хомашё ёки малакали маслаҳат билан кўмаклашса, бу ишни бемалол бажарса бўлади. Агар ана шу 400 нафар одам ойига биттадан иш ўрни ташкил этишга кўмаклашса, бир йилда 4 минг 800 та янги иш жойига эга бўлиш мумкин.

Бугуннинг ўзида ҳар бир битирувчини аниқ бир ташкилотга бириктиришни таъминлаш билан бирга, унинг бўлажак иш жойи, иш ҳақи ва ижтимоий шароитларини аниқ белгилаш зарур.

Буларнинг барчасини ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш ва энг асосийси,

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т: Ўзбекистон, 1996. -364 б.

хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг нафақат мажбуриятини, балки шахсий масъулиятини ҳам белгилаш зарур”².

Кредит – товар-пул муносабатлари шароитидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш кредит муносабатлари юзага келишининг табиий асоси ҳисобланади. Кредитга иқтисодий маънода таъриф берадиган бўлсак, “кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир”³. Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларнинг маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

² Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. <http://uza.uz>

³Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм)дарслик, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Т.-2009, 339-б.

Кредиторларда бўш турган ресурсларни кредит (қарз) олувчиларга ўтказиши эвазига қўшимча пул маблағлари топиш имкони пайдо бўлади. Кредит пул кўринишидаги янги тўлов тизими сифатида намоён бўлади. Кредит ёрдамида товар-моддий бойликларга эга бўлинади, аҳоли томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарлар сотиб олинади. Кредит ҳисобига олинadиган объектлар сифатида турли хил қимматликлар (нарсалар, товарлар)ни кўриш мумкин. Бироқ, кредитни “моддий” изоҳлаш сиёсий-иқтисодий таҳлил доирасидан келиб чиқади. Пул ва кредит тўғрисидаги иқтисодий фан нарсаларнинг ўзини эмас, балки нарсалар сабабли субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ўрганadi. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, иқтисодий категория сифатида кредитни ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши деб тушунамиз лозим.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

1. Фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олди олинади.

2. Такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада

узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади⁴.

Одатдаги қарз шартномаси бозор муносабатлари шароитида турли-туман ва мураккаб кредит муносабатларини тартибга солишга қодир бўлмай қолди. Ушбу ҳолат Фуқаролик кодексига қарз шартномасининг мустақил бир тури сифатида кредит шартномаси тушунчасини киритишни талаб этди⁵.

Кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади⁶.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган, иқтисодий муносабатларнинг баъзи бир турларининг ўзига хослигини назарда тутадиган шартномалар тизими ишлаб чиқилган. Банк-

кредит муносабатлари соҳасидаги шартномалар ҳам шулар жумласидандир⁷.

“Кредит” категорияси иқтисодий фанда банк, маҳсулот ва тижорат кредитнинг барча турларини англатувчи умумлашган тушунчадан иборат бўлиб, кредитнинг иқтисодий табиатини аниқламасдан туриб, уни ҳуқуқий йўлга солишнинг имкони йўқ. Ҳуқуқий маънодаги “кредит” категориясига келганда эса у ўзининг кўп қирали хусусиятига қарамай, у қадар глобал аҳамиятга эга эмас⁸.

Кредит шартномаси бу – қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишларидан биридир. Ўзининг юридик табиатига кўра, у консенсуал, яъни томонлар орасида тегишли келишувга келингандан сўнг, қарз олувчига ҳали пул берилмасдан аввал кучга кирази (бунинг устига пуллар бир мартаба эмас, балки даврий равишда ўтказилиб турилиши мумкин). Демак, бундай келишув мавжуд бўлган шароитда қарздор қарз берувчидан унга кредит берилишини талаб қилишга ҳақли. Аммо, қарз берувчи эса агар кредитнинг ўз вақтида

⁴Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм)дарслик, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Т.-2009, 340-б.

⁵ Российское гражданское право. Учебник. Под ред. З.Г. Крыловой и Э.П. Гаврилова. М., «Юр.Инфо» 1999.

⁶Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 744-модда///Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-с.//

⁷ Темирова Н.С. Правовые основы расчетно-клиринговых операций в Республики Узбекистан: Автореф. дис...канд. юрид. наук. – Ташкент: 2011. - 26 с.

⁸ Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республики Узбекистан и проблемы его совершенствования: Автореф. дис...докт. юрид. наук. – Тошкент: 2011. - 14 с.

қайтарилишига монелик қиладиган шароитлар вужудга келганда, масалан, қарздорнинг тўлов қобилиятининг йўқолиши сабабли, кредит беришдан бош тортиши ёки бир қисмини бериши мумкин. Бошқа бир томондан эса, агар қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки шартномада бошқача кўрсатилмаган бўлса, қарз олувчини кредит (ва унинг устамасини) олишга мажбурлаб бўлмайди. Шундай қилиб, бу шартноманинг классик консенсуал табиати сезиларли даражада камайтирилган ва ўзининг юридик табиатига кўра қарз шартномасига яқинлаштирилган⁹.

Қарз шартномасидан фарқли равишда, кредит шартномаси билан олинган пуллар ҳар доим ҳақ эвазига тузилиши шарт: қарзга олинган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун қарздор маълум сумма асосида ҳисобланган фоизларни тўлашга мажбур.

Кредит шартномасининг ҳақ эвазига эканлиги унинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиқади. Пул маблағларини бериш кредит ташкилотлари ва банкнинг даромад манбаларидан биридир. Шунинг учун бу

фаолият ҳақ эвазига бажарилади. Гарчи томонлар шартномада фоиз ставкаларини белгиламаган бўлсаларда, шартнома ҳақ эвазига ҳақиқий бўлиб ҳисобланади ва фоизлар қонунда белгиланган тартибда ҳисобланади¹⁰.

Кредит муносабатларига қарз ҳақидаги қоидаларни қўллаш мумкин, чунки бу кредит шартномаси ҳақидаги қонун талабларига зид келмайди ва унинг моҳиятидан келиб чиқади. Жумладан, бу муносабатларга мақсадли қарзлар ҳақидаги ФК 739-моддасини, қарз берувчига берилган кредитнинг мақсадли ишлатилаётганлигини назорат қилишга имконият берган ҳолда ва кредитнинг мақсадли ишлатилиши шарти бузилган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишни қўллаш мумкин. Кредит шартномаси ҳар доим фақат ёзма равишда тузилади.

Кредит шартномасида битим шакли муҳим элементлардан бири бўлиб, у қонунга кўра шартноманинг мавжудлиги билан тенг кучлидир. Шунинг учун кредит шартномасини ёзма равишда тузмаслик оқибатлари умумий ҳолларга қараганда нисбатан

⁹ Эшонкулов С.Ю. Бозор муносабатлари шароитида қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. ... –Тошкент: 2012. – 35 б.

¹⁰Дўстов У.Н. Бозор муносабатларида тадбиркорларни кредитлар билан таъминлашни эркинлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари // Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008. –Б. 117-140.

оғирроқдир. Кредит шартномасини тузишда унинг шаклига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмас деб топилишига ва шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келади¹¹. Шу сабабли кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кредит шартномаси шаклига, қарз шартномасига қараганда алоҳида эътибор берилиши унинг банклар фаолияти билан боғлиқ эканлигида тушунилади. Кредит шартномасини фақатгина банклар ва Марказий банк лицензиясини олган кредит ташкилотларигина тузишлари мумкин.

Кредит операцияларини амалга ошириш лицензияларини бериш билан бир вақтда, давлат унинг ишончилигига ва демак бу ташкилотлар билан тузилган битимларни тузишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга кафолат беради. Бир вақтнинг ўзида тегишли давлат идораларида кредит ташкилотлари устидан назорат ваколатлари пайдо бўлади. Шунинг учун назорат функцияларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида шартноманинг

мажбурий ёзма шакли қабул қилинган.

Кредит шартномаси шаклларига риоя қилиш усуллари қуйидагилардир:

- банк тақдим қилган шакллари тўлдириш ёки ҳужжатларни тузиш;
- ҳужжатларнинг банк ходими ва қарздор томонидан имзоланиши ёки ўзаро ҳужжат алмаштириш;
- қарздорнинг ёзма илтимосномасига кўра унга банк томонидан пул берилиши.

Кредит шартномасини тузишнинг бу усулига банк томонидан мижоз банк ҳисобрақамига (пул маблағлари йўқлиги ёки етарли эмаслиги шароитида) пул ўтказиши ёки мижознинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловни амалга ошириш киради. Бу ҳолда айтиб ўтилган операцияларни амалга ошириш банк ҳисоб шартномасида аввалдан кўзда тутилган бўлиши керак.

Банклар кўпчилик ҳолларда қарздорларга банк ҳисобварағлари орқали нақдсиз пул берадилар. Кредитни бериш имкониятлари ва шартларини томонлар банк ҳисобварағи шартномасида келишиб олишлари мумкин. Қарздор кредит маблағларига муҳтожлик сезганда, банкка мурожаат қилиши мумкинки, банк махсус кредит шартномаси тузиб

¹¹Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 745-модда//Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-с.//

ўтирмасдан, унинг ҳисобварағига пул ўтказиб юборади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда кредит шартномасига оид қонун нормалари ва кредит шартномасини амалда қўллаш билан боғлиқ ўзига хос ҳуқуқий муаммолар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу энг аввало кредит шартномаси тузиш борасидаги кўшлаб маъмурий тўсиқлар ҳамда банк маъмуриятчилиги борасидаги ҳужжатларнинг кўпчилиги билан изоҳланса, кредит бериш борасидаги банкнинг мутлақ ваколоти билан изоҳланади. Гарчи банклар кредитлар бериш борасидаги таклифларни эълон қилиб борасада, кўп ўринларда кредит бериш амалиёти асосан банк ҳодимларнинг ваколатларидан келиб чиқиб ҳал қилинмоқда. Албатта, бунда банклар қошидаги кредит комиссиялари қарори асосида у ёки бу ташкилотларга кредит ажратилсада, бу ҳолат банкнинг кредит сиёсати ҳар доим ҳам тизимлилик, оқилоналик ва ҳалолликка асосланади, деб бўлмайди.

Бундан ташқари, ҳозирда кредитларни таъминлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари бўлган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ кўшлаб муаммолар

мавжудки, улар бугунги кунда қонун ижодкорлиги нуқтаи назаридан ўз ечимини кутмоқда¹². Айниқса, фермер хўжаликлари томонидан олинаётган банк кредитларига нисбатан вакиллар сифатида тайёрловчи ташкилотларнинг иштирок этиши ва оқибатда етказиб берилган ҳосил учун тўланадиган пул маблағлари айланмасининг бузилиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Хулоса сифатида, мазкур муаммоларни бартараф этиш ҳамда кредит муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

1. Кредит шартномасига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари жуда камчилик (бор-йўғи 5 та модда)ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, кредит муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ҳали тўла шакллантирилмаганлигини кўрсатади. Шу сабабли кредит шартномаси тузиш, унинг субъектларига қуйиладиган талаблар, кредит объектлари ва кредит шартномаси

¹² Дўстов У.Н. Бозор муносабатларида тадбиркорларни кредитлар билан таъминлашни эркинлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари // Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008. –Б. 117-140.

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид асосий қоидалар Фуқаролик кодексига киритилиши зарур.

2. Бугунги кунда кредит муносабатларини тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатлари амал қилмоқда. Кўп ўринларда ушбу қонун ости ҳужжатлари ички қарама-қаршиликлари билан бирга, ўзаро зиддиятли қоидаларни ҳам назарда тутаяди. Шу боис уларни унификациялаш ҳамда тизимлаштириш лозимки, бу борада Ўзбекистон Республикасининг ягона “Кредит тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш лозим бўлади.

3. Ҳар бир банкнинг кредит сиёсати унинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади ва Марказий банк томонидан тасдиқланади. Бироқ кредит сиёсати кўп ўринларда суиистеъмолликларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли банк кредит сиёсатига доир тегишли қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларида унинг ишлаш

механизмлари аниқ белгилаш талаб этилади.

4. Кредит шартномасида мажбуриятлар ижросини таъминлашга қаратилган усулларида бири кафилликни қўллаш борасида амалиётда кўплаб муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда. Айрим ўринларда эса кафил тўғридан-тўғри жавобгар бўлиш ҳолатлари кузатилади. Назаримизда кафиллик шартномасини тузишда кафилнинг жавобгарлигини чеклашга доир қонун киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда қарздорнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва унга нисбатан тегишли санкцияларни қўллаш ваколати кафилга берилиши лозим.

5. Бугунги кунда қарз-кредит фаолияти билан нафақат банклар, балки ломбардлар ҳам шуғулланишмоқдаки, бу ўз навбатида улар фаолиятини ҳуқуқий майдон доирасида олиб боришни таъминлашни тақозо этади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Ломбардлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/Reference

1. Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм)дарслик, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Т.-2009, 339-б.
2. Фуқаролик ҳуқуқи (2-қисм)дарслик, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Т.-2009, 340-б.
3. Российское гражданское право. Учебник. Под ред. З.Г. Крыловой и Э.П. Гаврилова. М., «Юр.Инфо» 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 744-модда////Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-с.//
5. Темирова Н.С. Правовые основы расчетно-клиринговых операций в Республики Узбекистан: Автореф. дис...канд. юрид. наук. – Ташкент: 2011. -26 с.
6. Суюнова Д.Ж. Правовое регулирование кредитных отношений в Республики Узбекистан и проблемы его совершенствования: Автореф. дис...докт. юрид. наук. – Тошкент: 2011. - 14 с.
7. Эшонқулов С.Ю. Бозор муносабатлари шароитида қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. ... -Тошкент: 2012. – 35 б.
8. Дўстов У.Н. Бозор муносабатларида тадбиркорларни кредитлар билан таъминлашни эркинлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари // Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2008. –Б. 117-140.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 745-модда//Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-с.//

10. Дўстов У.Н. Бозор муносабатларида тадбиркорларни кредитлар билан таъминлашни эркинлаштиришнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари // Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. -Тошкент: ТДЮИ, 2008. -Б. 117-140.